

Спорт

Англияда нуфузли турнир

Буюк Британияда миллий кураш буйича анъанавий халқаро Ислом Каримов турнири ўтказилади. Таъкидлаш лозимки, ушбу мусобақа Лондонда 2000 йилдан бери мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бироқ аввалгиларига нисбатан бу галги турнирда икки-уч баробар кўп курашчилар иштирок этиши кутулаётган.



Халқаро Кураш Ассоциацияси матбуот хизмати маълумотига кўра, турнирда кўҳна қитъанинг деярли барча мамлакатларидан кураш ихлосмандлари мусобақада қатнашади. Айниқса, ёш курашчилар билан биргаликда фахрийлар ҳам ғолиблик учун ғилмага чиқиш истагини билдириши миллий спорт туримиз Европада омалашаётганидан дарак беради.

Рақиб мусобақадан четлатилди

ОФК Эрон чемпиони — "Истиклол" (Техрон)ни Осиё чемпионлар лигаси мусобақасидан четлатди. Бунга эронликларнинг турнирда иштирок этадиган футболчилар рўйхатини белгиланган мuddатда тақдим қилмагани сабаб бўлди.

Чемпионат тақвими аниқ

Футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионати тақвими эълон қилинди. Мамлакатимиз олий лига жамоалари бу галги мавсумни ҳар йилгидан анча эрта бошлашмоқда. Буни футбол мутахассислари Ўзбекистон миллий ва Олимпия терма жамоаларининг қатор йирик халқаро мусобақаларда иштирок этиши билан изоҳлашапти.

Шахобиддин РАСУЛОВ

Миллий чемпионатимизнинг дастлабки тур учрашувларини 1 март куни Фарғонада "Нефчи" ва "Насаф" жамоалари бошлаб беришади. "Локомотив" (Тошкент), "Тупаланг" (Сариосиё), "Металлург" (Бекobod), "Пахтакор" (Тошкент) жамоалари учрашуви 2 март кунига белгиланган. Биринчи турнир қолган бешта ўйини эса 3 мартда бўлиб ўтади. Шу кун "Андижон-ЎЗДЭУавто" (Андижон), "Шўртан" (Фўзор), "Вобкент" (Вобкент), "Қувучи" (Тошкент), "Трактор" (Тошкент), "Бухоро" (Бухоро), "Машъал" (Муборак), "Навбахор-Н" (Наманган), "Қизилқум-Олтин" (Зарафшон), "Самарқанд-Динамо" (Самарқанд) жамоалари майдонга чиқади.

Тафаккур бўстони

Эзон — қадим юнон файласуфи. У эрамиздан олдинги VI асрда яшаб, ижод этган. Файласуф масаллари Европа масалчилигини шакллантиришда муҳим роль ўйнаган. Зеро, ихчам ва равои тилда баён этилган Эзон масаллари кишини фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. Шу боис "Чулпон" наширетида мутаржим Дилмурод Қуронов таржумаси асосида чоп қилинган Эзон масалларидан эътиборингизга ҳавола этишни лозим, деб топдик.

Эски дўстдан янгисин афзал деманг

Кўз оғриғига мубтало бўлган кампир ҳақини тўлашга ваъда бериб, табибдан муолажани уйда ўтказишни сўради. Табиб рози бўлди. Бироқ у ҳар гал келганида кампирнинг кўзига малҳам суртарди-да, кўзини қўйиб турганидан фойдаланиб бирон нарсани кўлтққа уриб кетарди. Шу асно арзигулик нарсаларнинг барини ташиб битиргач, табиб муолажалар тугаганини айтиб, ҳақини талаб қилди. Кампир тўлашдан бош тортганиди, уни қозига судради.



Ҳаётининг ярмидан кўпрогини тағлим-тарбия ишига сарф этиб келаётган тағлим тизимининг фидойиларидан бири Шавакат Ёқубов Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси ва фаол тарғиботчиси ҳамдир.

тимойи ҳаётда ҳам, шахсий турмушида ҳам адолат тамойилларига эътибор қилиб келади. У 2000-2002 йиллари "Адолат" СДПнинг Жиззах вилояти Кенгаши қотиби сифатида фаолият кўрсатиб, партия аъзолари сонини кўпайтириш, унга ёшларни жалб қилиш, партия мақсад ва вазифаларини амалга ошириш борасида муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширди.

Фаол сафдош, жонқуяр инсон

кистон футболчи, "Ватанпарвар", "Ўзбекистон овози" газеталарида унинг мақолалари мунтазам эълон қилиб келинмоқда. Унинг журналистик фаолияти, аниқлиги, истиқлол йилларида фаоллашди. Маънавият ва маърифат, маданият масалалари, ахлоқ-одоб, кийинги маданияти муаммоларига бағишланган чилкишлари, кўпчилиги бефарқ қолдирмаётган. Айниқса, тил оёқсизлиги амалга ошириш, давлат тилининг функцияларини, миллий тиллар ривожини масалаларига доир қатор мақолалари газет-

Буюк ихтирочининг армонлари

хонлар томонидан қизиқиш билан ўқилмоқда. Айни пайтда Ш.Ёқубов Тошкентдаги автомобиль ва йўллар қасб-хўнар коллежида фаолият юритмоқда. У илм масканида ўқувчиларнинг маънавий, ахлоқий, маданий, ҳуқуқий тарбияси, вояга етмаганлар ўртасида гўёҳандлик ҳамда ақидадарастлик каби иллатларнинг олдини олиш каби ҳозирги куннинг долзарб масалалари билан шуғулланиб келмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш, академик лицей ва қасб-хўнар коллежларида олиб борилаётган намунали ишларни, эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммоларни матбуотда кенг ва атрафлича ёритиб келаётган журналистлар ўртасида Республика ўрта махсус қасб-хўнар таълим маркази томонидан 2005 йили танлов ўтказилди. Ушбу танловда Шавакат Ёқубов фахрли 2-ўринни эгаллаб, мукофотга sazovori бўлди.

Сел ва кўчки урмаса ҳам...

Мен тоғлар бағридаги қадимий Хондайлик қишлоғида туғилиб ўсганман. Машҳур адиб Сирожиддин Сидқий Хондайликнинг ёзишича, бу маскан бир замонлар аждоқларимиз хандақ қазиб ёвлардан ҳимояланган жой бўлган экан. Бинобарин, Хондайликнинг ўзига хос томонлари бор: сел босмайди, кўчкилар таҳдид қамаб қайновлар шу қадар кўп эдики, уларга ҳар қадамда дуч келар, кўчи ҳайратланарди. Лекин, афсуски, улар бугун ширин хотирага айланди. Негаки, бу ерда жониворларга нисбатан шэфқатсиз муносабат оқибатида сон-саноксиз ёввойи ҳайвонлар, баллиқлар қирилиб кетди. Туятошсой, Шуробсойлар ўлик сув оқу-

Муаммо ва мулоҳаза

чи ўзганга айланди. Кейинги пайтларда бу ерда табиий бойлик бўлиши доривор гўёҳлар ҳам талон-торож қилинмоқда. Табиат кўриқчилари, қолаверса, тегишли соҳа мутасаддилари эса амалий ишларга қўл уриш ўрнига, аксарият ҳолларда, томошабин бўлиб туришибди, холос. Ҳукуматимиз томонида табиат муҳофазасига жуда катта эътибор қаратилаётган бир пайтда бундай локайдлик асло кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Чунки гоз, ўрдақ, бедана ва тувалок каби масуумий қушлар сайёрамизнинг бошқа ҳудудларида кўпайиб, сафларини қайта тиклаб олиши мумкин. Аммо томири билан қовлаб олинмаган доривор гўёҳлар, кирғовул, қалқик сингари тургун қушлар-чи? Улар бугун бизнинг ножоиз хатти-ҳаракатимиз оқибатида қамайиб кетаётган. Айниқса, кирғовул бутунлай қирилиб кетиш арасида.

Ажойиб ихтиролари билан дунёнинг энг машҳур ва бой кишисига айланган Альфред Нобел ўзини тўла мавнада бахтли ҳисобламас эди. Негаки, унинг кашфиётлари тараққиётга ҳисса қўйиши билан бирга, қирғинбарот қуроллар яратилишига ҳам замин яратди. Ихтиролари ўзига лавнат олиб келишини истамаган буюк олим унинг охиригача инсоният олдидаги айбини ювишга ҳаракат қилди...

Машҳур кишилар ҳаётидан

дустурини ҳаётга татбиқ этиш, академик лицей ва қасб-хўнар коллежларида олиб борилаётган намунали ишларни, эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммоларни матбуотда кенг ва атрафлича ёритиб келаётган журналистлар ўртасида Республика ўрта махсус қасб-хўнар таълим маркази томонидан 2005 йили танлов ўтказилди. Ушбу танловда Шавакат Ёқубов фахрли 2-ўринни эгаллаб, мукофотга sazovori бўлди.

ADOLAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA. MAJLIS: O'ZBEKISTON «ADOLAT» SDP SIYOSIY KENGAHI. GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGI TOMONIDAN 0018 RAQAMI BILAN RUYXATTA OLINGAN www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru. BOSH MUHARRIR BAHTIYOR ABDUSATTOROV. TAХRIR HAY'ATI: Dilorom TOШМУХАМЕДОВА, Iқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунўлат ДАМИНОВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Мамазори ХУЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Баш муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ. GAZETA TAХRIRIYAT KOMP'YUTER MARKAZIDA SAХIFALANDI. «ADOLAT»-DAN KЎCHIRIB BOSISH FAQAT TAХRIRIYAT RUSKATI BILAN AMALGA OSHIRILADI. «SHARQ» HMAK BOSMAKHONASIDA CHOP ETILDI. KORXONA MANZILI: TOshKENT SHAHRI BУYUQ TUROn KЎCHASI, 41-UY. TELEFONLAR: qabulxona — 136-53-14; faks — 133-40-86; kотибят — 136-55-96; reklama bۇlumi — 133-41-89. MAJLIS: 700047, TOshKENT SHAHRI, MATBUOCHILAR KЎCHASI, 32-UY. NASHRCHISI — B. BOTIROV, SAХIFALOVCHI — L. TУRSUNOV. NASHR INDEKSI — 100. BУYURTMA Ғ — 101. XАЖМИ — 2 BOSMA TABOҚ. OFSET UYUMLI BOSILGAN. QOғOZ BИCHIMI A-2. ADALI — 2425. BOSISH TAШHIRIYAT VAQTИ — 20.00. BOSISH TAШHIRIYATI — 22.10. 1 2 3 4 5